Товар (махсулот) етказиб беришга
**PLT-01/80 сонли ХИСОБ ШАРТНОМА**

Наманган шахар "10" 03 2022 йил

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Буюртмачи» деб юритилувчи Поп тумани ҳокимлиги ______ номидан бюджет ташкилоти рахбари Ш.Шамшиходжаев бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Ижро килувчи» деб юритилувчи «POLIETILEN SANOAT» МЧЖ номидан иш кўрувчи **Т.З.Набиев** иккинчи томондан хисобланиб мазкур шартномани куйидагилар тўгрисида тузди лар:

## I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

| № | Махсулотноми | Улч. бир. | Сони | ККС хисобгаолинига нсуммаси | ККС хисобгаолинганкий мати | ККС | | Етказиббериш киймати,ККС билан. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Ставка | Киймати | |
| 1 | Полиэтилен труба Д-200х14,7 мм | п/м | 6 000 | 186 086,96 | 1 116 521 739,13 | 15 | 167 478 260,87 | 1 284 000 000,00 |
| | Жами | | | | **1 116 521 739,13** | **167 478 260,87** | | **1 284 000 000,00** |

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Ижро килувчи» «Буюртмачи»га **1 284 000 000,00** ККС билан (кейинги ўринларда «Товар (махсулот)» деб юритилади) етказиб бериш, «Буюртмачи» эса уларни кабул килиб махсулот сифатига тўла жавобгарликни олиб хамда махсулот кийматини аниклаштирувчи хужжатлар асосида тўлов хужжатларини олиб келиб белгиланган тўлов кетма-кетлиги риоя килган холда бюджетдан маблаг олувчининг харажатлар сметасида кўзда тутилган маблаг доирасида тўловни амалга ошириб беради.

## II. «ТОВАР (МАХСУЛОТ)»НИНГ СИФАТИ.

2.1. Етказиб берадиган «Товар (махсулот)»ни сифати Ўзбекистан Республикасининг амалдаги конунчилика асосан етказиб бериладиган товар ва моддий кийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошка меъёрларига мувофик бўлиши хамда сифат сертификати ёки тахлил (текшириш) баёни билан тасдикланиши шарт.

2.2. Етказиб бериладиган «Товар (махсулот)» учун 20 кун муддатга кафолат берилади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Буюртмачи»нинг хукуклари:

«Ижроки лувчи» дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари бошка норматив хужжатлар билан таъминлашини талаб килиш;

«Товар (махсулот)» «Буюртмачи»га транспортда ташилганда «Ижрокилувчи»дан транспорт харажатларини коплашни талаб килиш;

«Ижро килувчи»дан мазкур шартномага мувофик бериладиган буюртмага мувофик тегишли сифат, ассортиментдаги «Товар (махсулот)» етказиб берилишини талаб килиш;

Зарур сифатга эга бўлмаган «Товар (махсулот)» етказиб берилмаган такдирда ўз танлашига кўра;

Зарур сифатга эга бўлмаган «Товар (махсулот)» шунга ўхшаш «Товар (махсулот)» билан алмаштирилишини;

Камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд иккинчи шахслар томонидан тўгриланиш харажатларини коплаш;

-бахосининг мутоносиб тарзда камайтирилишини талаб килиш;-

Мазкур шартнома шартлари бажарилганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланишини «Ижро килувчи»дан талаб килиш;

3.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

Ўз буюртмаси бўйича етказиб берилган «Товар (махсулот)»ни мазкур шартномага мувофик кабул килиш;

«Товар (махсулот)»га мазкуршартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган нарх бўйича, кабул килиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб кун мобайнида «Тўлаб берувчи»га тўлов хужжатларини такдим килиш.

3.3. «Ижро килувчи» куйидаги хукукларга эга:

«Буюртмачи»га «Товар (махсулот)»ни мазкур шартномага, мувофик ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 5.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг бюртмасига мувофик муддатлар, сифат ва микдорда етказиб бериш;

Агар «Товар (махсулот)»ни етказиб бериш жараёнида «Ижро килувчи» шартнома шартлари ва нормативларидан чекинишга йўл кўйган бўлса, «Буюртмачи»нинг талаби билан аникланган барча камчиликларни 5 кун муддатда бепул тузатиб беради.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ КИЙМАТИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Мазкур шартноманинг бахоси 1284000000 сумни ташкил этади Бир миллиард икки юз саксон тўрт миллион (сумма ракамлар харфлар билан берилади). Етказиб бериладиган «Товар (махсулот)»нинг бахоси мазкур шарномага иловада кўрсатилади.

4.2. Махсулотни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни «Ижро килувчи» кўтаради. Хамда махсулотларни 20 кун муддат ичида етказиб беради. Махсулот «Буюртмачи»нинг транспорти билан етказиб берилган такдирда «Ижро килувчи» транспортда ташиш харажатларини унга коплайди (юкишни хам ўз ичига олган холда амалдаги масса бўйича).

4.3 Бюджет ташкилоти етказиб бериладиган товар (махсулот) туркуми суммасини 15 % микдорида олдиндан хак тўлаш максадида тўлов хужжатларини тулаб берувчига олиб келади. Тулаб берувчи такдим килинган хужжатлар асосида белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя килган холда тўловни амалга оширилади. Етказиб берилган товар (махсулот) учун кабул-килиш топшириш далолатномасини имзолангандан кейин 30 кун муддатда узул кесил хисоб-китоб килинади.

4.4. Етказиб берилган «Товар (махсулот)» учун пул ўтказиш йули билан накд пулсиз тартибда хисоб-китоб килинади.

V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1 Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига кабул қилинган мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб хисобланади.

5.2 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Қонун хужжатларда белгиланган холларда бундан мустасно.

5.3. «Товар (махсулоти)» кабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

Хисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана «Товар (махсулоти)»га хак тўлаш бўйича «Буюртмачи» мажбуриятлари бажарилган сана хисобланади.

5.4. «Буюртмачи»нинг розилигибилан «Товар (махсулоти)» муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва «Буюртмачи» томонидан кабул килинган «Товар (махсулоти)» учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак булган «Товар (махсулоти)» хисобига хак туланади ва улар хисобига утказилади.

5.5. «Буюртмачи» муддатлар бузилган холда етказиб берилган «Товар (махсулоти)»ни кабул килишни рад этишга хаклидир.

5.6. Назарда тутилган микдордан ортикча бир номда «Товар (махсулоти)» етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошка номдаги етказиб берилмаган товар махсулот урнини тулдириш сифатида каралмайди ва етказиб берилмаган «Товар (махсулоти)»ни урни тулдирилиши керак. Бундай «Товар (махсулоти)» етказиб бериш «Буюртмачи»нинг олдидан берилган ёзма розилиги ёки талабномаси бўйича амалга оширилган холлар бундан мустасно.

5.7. Етказиб берилган «Товар (махсулоти)» бевосита «Бюджет ташкилот»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича кабул килинади. Далолатномада етказиб берилган «Товар (махсулоти)» микдори, уларнинг сифати курсатилади.

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилган «Товар (махсулоти)» етказиб бериш мазкур шартномага мувофик ёки «Буюртмачи»нинг буюртма маъносида курсатилган муддатлар ва хажмда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу максадларда «Ижро килувчи» «Бюджет» ташкилотларнинг буюртма номаларини рўйхатдан утказиш дафтарини юритади.

Буюртманома «Товар (махсулоти)» тегишли туркумларини етказиб беришнинг мулжалланаётган санагача камида 5 кун олдин чопар оркали, почта оркали ёки бошкача тарзда берилади. Буюртманомани чопар оркали кабул килишда «Ижрокилувчи»нинг ходими «Бюджет ташкилоти»да коладиган нусхага санани курсатган холда у кабул килинганлиги тугрисида белги куяди.

5.9 «Буюртмачи» илгари берилганбуюртмани бекор килишга ёхуд «Товар (махсулоти)»нинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини узгартиришга хаклидир. Бухакда «Ижрокилувчи»ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор килади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Етказиб берилаётган «Товар (махсулоти)» сифати, миклори «Ижро килувчи» томонидан нотугри аникланиши, уларнинг киймати нотугри белгиланиши ва уилирилиши холлари аникланган такдирда «Ижро килувчи» етказиб берилаётган «Товар (махсулоти)»нинг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини хисобга олган холда кайта хисоб-китоб килади ва хисоблаб чикилган ушбу суммадан ташкари «Буюртмачи»га нотугри хисоб-китоб килинган сумманинг 20% фоизи микдорида жарима тулайди.

6.2. Агар етказиб берилган «Товар (махсулоти)»нинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига наъмуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошка шартлар жавоб бермаган такдирда айбдор томон етказиб берилган сифати зарур даражада булмаган «Товар (махсулоти)» кийматининг 20% фоизи микдорида жарима тулайди.

6.3. «Товар (махсулоти)» етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилишини рад этилганлиги учун «Ижро килувчи» «Буюртмачи»га белгиланган нормалардан ташкари етказиб берилиши керак булган «Товар (махсулоти)»нинг 25% фоизи микдорида жарима тулайди. Жарималан ташкари «Ижро килувчи» «Буюртмачи»га «Товар (махсулоти)»ни етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни тулайди.

6.4. «Товар (махсулоти)»ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб берилмаган такдирда «Ижро килувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5% фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган «Товар (махсулоти)» кийматининг 50% фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Товар (махсулоти)» учун ўз вактида хак тўланмаганда «Буюртмачи» «Ижрокилувчи»га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% фоизи микдорида пеня тўлайди. Бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50% фоиздан ортик бўлмаслиги керак.

6.6. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кулланилади.

6.7.Сотиб олинаётган товар махсулотларнинг нархи учун бюджетдан маблаг олувчи ташкилот жавобгардир.

VII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1 Шартноманинг амал килиш муддатларида томонларнинг хохиши иродасига боглик бўлмаган холатлар(табиий офатлар, оммавий тартибсизликлар ва хоказо) юзага келган такдирда, томонларнинг жавобгарликдан сокит этилади.

VIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан такдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

8.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга хаклидир.

IX. ШАРНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Шартнома Газначилик органидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартнома хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар улар ёзма содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур д… …кил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий хисобланади.
10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучгаэ гадир.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«ИЖРО КИЛУВЧИ»**

«Товар (махсулот )етказиб берувчи
«POLIETILEN SANOAT» МЧЖ

Адрес: Наманган шахар, Саноатчилар куча, 8-уй

Тел/факс: 69 234 15 15

Х/Р: 20 208 000 500 255 486 004

Банк номи«Трастбанк» Наманган филиали.

МФО: 01060 ИНН: 302 695 764

ОКОНХ: 13140, ОКЭД: 22210

Ташкилот рахбари ________ Т.Набиев

Юрист ________

POLIETILEN SANOAT

**«БУЮРТМАЧИ»**

Поп тумани хокимлиги
(бюджетданмаблағолувчининг номи)

Адрес : Поп т. Истиклол кўча 8 уй

тел,

факс ________
шх.в 10002 2 2860 14219 7063 1000 1 1 2002

Банкноми: Тошкент ш. Хкки

Х.р ________

МФО 00014 СТИР 20008895 3

ОКОНХ 97600

Ғазначилик Бошкармасиноми: ________
Поп тумани Ғазначилик бўлими

Ғазнах.в. 234020000300100001010

Банк номи: Тошкент ш. Хкки

МФО: 00014 ИНН 201122919

Рахбар ________ М.Ирханазаров
(имзо)

Юрист ________ Э.Турдалиев

600006743

# МУХОКАМА АХБОРОТИ

"10" 03 2022 йил Поп.ш

Поп туман ҳокимлиги томонидан 2022 йил "26" февралдаги 22110012041367 сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Уйғурсой МФЙ Бунёдкор МФЙларга ичимлик суви тармоқлари учун қувурлар сотиб олиб бериш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича POLIETILEN SANOAT МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Туман хокимининг 1-чи ўринбосари** **М.Имамназаров**

**Туман хокимининг қурилиш бўйича ўринбосари:** **А.Мирзахмедов**